МИЛЛИОНЕР МУАЛЛИМ

ХОРАЗМ. Ўзбекистон Республикаси Халқ банки ва Амир Темур жамғармаси томонидан чиқарилган "Хазина-2" лотереясининг соҳиби-Қорамон қишлоғилик муаллим Бахтиёр Ёқубовнинг омади келди. У харид қилган лотереяга миллион сўм ютуқ чиқди. Миллионер муаллим бу ютуқни эзгу ишларга сарф қилишни мўлжалламоқда.

Рўзимбой ҲАСАН.

"ЎЗ-ТОН-ХОНГ" ЎРИНДИҚЛАРИ

АНДИЖОН. Шаҳардаги "Ўз-Тон - Хонг" қўшма корхонаси юртимизда ишлаб чиқарилаётган "Тико", "Дамас", "Нексия" автомобиллари учун 100 мингтадан кўпроқ ўриндиқлар тайёрлашни режалаштирди. Жанубий Корея мутахассислари билан ҳамкорликда ташкил этилган бу корхонада жаҳон андозаларига мос дастгоҳлар ўрнатилган. Бу ерда 400 нафар йигит-қиз меҳнат қилмоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

МУНОСИБ ТЎЁНА

БУХОРО. Садриддин Айний номидаги вилоят мусиқали драма театри жамоаси ўз мухлисларини янги саҳна асари билан хушнуд этди. Драматург Эркин Хушвақтов ижодига мансуб "Чимилдиқ" пьесаси саҳналаштирилди. Томошага Анвар Азимов режиссёрлик қилмоқда. Янги томоша қадимий шаҳарнинг 25 асрлик тўйига муносиб совға бўлди.

Даврон БАҲРОНОВ.

ТЕРИНИ БЕГОНА ҚИЛМАЙ

НАВОИЙ. Қизилтепа туманидаги "Зарафшон" бўрдоқичилик жамоа хўжалигида қўшимча тармоқ сифатида колбаса тайёрлаш цехи ишга туширилган эди. Энди хўжаликда қорамол, қўй териларини қайта ишловчи янги цех фойдаланишга топширилди. Бу ишда тадбиркор Бахтиёр Жўраев ташкилотчилик қилмоқда. Энди териларни қайта ишлаш учун узоқ жойларга йўллашга ҳожат қолмади. Муҳими, қимматли хом ашё бегона қилинмаяпти.

Музаффар ШАРОПОВ.

"ГЎРЎҒЛИ" – ТАСВИРИЙ САНЪАТДА

ТОШКЕНТ. Мусаввир Муборак Йўлдошев халқ оғзаки ижоди намуналари асосида санъат асарларини яратмоқда. Хусусан, унинг "Гўрўғли" туркумига кирувчи асарлари 50 тадан ошиб кетди. Айниқса, "Гўрўғли"нинг қўлида шох ва гадо суяги бўлиб, Искандар Зулқарнайннинг бундай ҳолатга жавоб тополмай тургани каби таъсирли ҳолат акс эттирилгани кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Маҳмуд АҲМЕДОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 1 июль, сешанба № 76 (22.160).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛНОМАСИ

1992 йил 2 июль — ***Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.***

1994 йил 1 июль — ***Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси муомалага киритилди.***

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 1 июлидан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	46,68
1 Австрия шиллинги	5,12
1 Англия фунт стерлинги	104,20
10 Бельгия франки	17,47
1 Голландия гульдени	32,05
10 Греция драхмаси	2,28
1 Дания кронаси	9,47
1 БАА дирхами	17,05
1 АҚШ доллари	62,63
1 Миср фунти	18,49
1 Ирландия фунти	94,51
1 Исландия кронаси	0,89
10 Испания песети	4,26
100 Италия лираси	3,69
1 Канада доллари	45,41
10 Хитой юани	7,55
1 Қувайт динори	206,97
100 Ливан фунти	4,08
1 Малайзия рингити	24,81
1 Германия маркаси	36,05
1 Норвегия кронаси	8,59
1 Польша злотийси	19,17
10 Португалия эскудоси	3,57
1 Сингапур доллари	43,81
1000 Туркия лираси	0,42
1 Финляндия маркаси	12,09
1 Франция франки	10,69
1 Швеция кронаси	8,12
1 Швейцария франки	43,12
1 ЭКЮ	70,62
10 Жанубий Корея вони	0,71
10 Япония иенаси	5,48
1000 Россия рубли	10,83
1 Украина гривнаси	33,73
1000 Белорусь рубли	2,32
1 Эстония кронаси	4,94
1 Латвия лати	109,11
1 Литва лити	15,66
1 Қозоғистон тенгеси	0,83
1 Қирғизистон соми	3,61

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ЕТТИТА РАҚАМЛИ ТЕЛЕФОНЛАР

Куни кеча анча вақтдан бери кўришмаган дўстим билан учрашиб қолдим. Шошиб турган экан. Қисқагина ҳол-аҳвол сўрашгач, узр сўради. Бир-биримизни йўқлаб турайлик, деган мақсадда телефон рақамларини алмашдик. Қарасам, унинг номери 116 билан бошланар экан. Ҳайрон бўлдим.

— Нима, Тошкентдан кўчиб кетдингми? — сўрадим ундан.

— Йўқ. Нега энди?

— Телефон номеринг...

— Ҳали хабаринг йўқми? Ўзингни телефонинг ҳам 33 эмас, 133 бўлган-ку...

Уйга келиб, 133 га қўнғироқ қилсам гўшакни ишхонадагилар кўтаришди.

Эрталаб ишга келишим билан Тошкент телефон тармоқлари ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмасига телефон қилдим. У ёқда гўшакни бошлиқ ёрдамчиси Азлархон Тураев кўтарди. Нега 33 телефони 133 бўлиб қолгани билан қизиқдим.

— 20 июндан бошлаб 32, 33, 36 ва 39 рақами билан бошланувчи телефон рақамлари олдига 1 рақами қўйилди. Барча ана шу номердаги телефонлар 1 июлга қадар 3 терсангиз ҳам 13 терсангиз ҳам ишлайди. Бугундан бошлаб эса юқоридаги рақамлар билан ишловчи АТСлар тўлиқ еттита рақамли номерга ўтади. Масалан, сизнинг телефонингиз ҳозир 33-21-43 бўлса 1 июлдан сўнг 133-21-43 бўлади.

— Бу ўзгаришдан кўзланган мақсад нима?

— Барча соҳаларда бўлгани каби бизда ҳам аҳолига жаҳон андозалари талабларига жавоб бера оладиган даражада хизмат кўрсатиш жараёни бормоқда. Энди етти сонли рақамларга ўтишимизга келсак, янги қуриладиган барча АТСларимиз етти сонли номерлар билан ишлайди. Хабарингиз бор, бугунги кунда пойтахтда 2,5 миллион атрофида аҳоли истиқомат қилади. АТСларимизнинг сони эса 50 дан ортиқ. Ана шу АТСларда 450 мингга яқин телефон номерлари мавжуд. Қуриниб турибдики, биз аҳолининг телефонга бўлган талабини ҳали тўлиқ қондира олмаяпмиз. 6 рақамли телефон номерларининг ҳаммаси эгаллангач, десак ҳам бўлаверади. Энди 7 сонли номерларга ўтишимиз эса бизнинг имкониятларимизни сезиларли даражада оширади. Чунки янги АТСларимиз қанчалик кўпайса, телефон номерлари ҳам шунчалик кўпаяди. Демакки, биз пойтахтликлар ва унда мавжуд идора ва ташкилотларнинг телефонга бўлган эҳтиёжини янада яхшироқ қондирамиз.

Хабарингиз борми?

Ислом ҲАМРО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ПЕНСИЯЛАР ҚАЙТА ҲИСОБЛАНДИ, ЭНДИ У ҚАНДАЙ?

1997 йил 1 июлдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иш ҳақи, пенсиялар ва стипендияларнинг миқдорларини ошириш тўғрисида»ги Фармони амалга кирди.

Шу муносабат билан мухбиримиз республика ижтимоий таъминот вазири Баҳодир Ҳамидович УМУРЗОҚОВдан интервью олди.

— Баҳодир Ҳамидович, редакцияга янги пенсияларни ҳисоблаш услуби бўйича кўплаб саволлар тушмоқда, пенсиялар «ўртача 1,5 баравар оширилади» деган иборани қандай тушуниш мумкин, кўпчиликка бу тушунарли эмас. Марҳамат қилиб, Фармоннинг шу жойини шарҳлаб берсангиз?

— 1997 йил 1 июлдан эътиборан барча турдаги пенсиялар миқдори Президент Фармонига мувофиқ оширилган ўртача бир ойлик иш ҳақларидан «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга биноан қайта ҳисобланди. Албатта, янги пенсия миқдорига, илгаригидек ходимнинг иш стажи ва унинг ўртача бир ойлик иш ҳақи таъсир кўрсатади. Фармоннинг туб маъноси — бундан бир неча йиллар илгари энг кўп миқдорларда тайинланган пенсиялар билан худди шундай касб ва лавозимларда ишлаб ҳозирги энг кўп миқдорларда тайинланган пенсиялар орасидаги фарқни қисқартиришдир. Ижтимоий адолат тикланди. Фақат ҳар хил йилларда пенсия расмийлаштирилганлиги сабабли бир хил шароитларда ишлаган кишилар бир биридан кескин фарқ қиладиган пенсия олмасликлари керак. Бошқача қилиб айтганда, агар сиз, илгари пенсиянинг энг кўп миқдори ҳисобланган 120 сўм ишлаб топган бўлсангиз, эндиликда кам пенсия олувчилар қаторида бўлмаслигингиз керак.

Бошқалар ҳам худди шундай: пенсия миқдори бир ярим бараварга оширилган ўртача бир ойлик иш ҳақига боғлиқ бўлиши керак. Ҳар бир пенсия иши алоҳида-алоҳида ўрганилиб чиқилади. Бу сафар пенсия ишларини механик қайта ҳисоблаш мумкин эмас. Жуда кенг миқёсдаги ишни бажаришимиз лозим. Шунинг учун ҳам Фармон олдиндан чиқди.

Барча ижтимоий таъминот бўлимларига бундан бир ой илгари пенсия ва нафақалар миқдорларини қайта ҳисоблаш тартиби бўйича услубий хат юборилди, жойларда пенсиялар миқдорларини қайта ҳисоблаш бўйича ўқишлар ташкил этилди. Қайта ҳисоблаш жараёнини енгиллаштириш мақсадида барча пенсия ишларини 1997 йил 1 июлгача бўлган ўртача бир ойлик иш ҳақларига боғлиқ ҳолда беш гуруҳга ажратиш тавсия қилинди.

Биринчи гуруҳга ўртача бир ойлик иш ҳақлари 500 сўмгача бўлган пенсия ишлари; иккинчи гуруҳга — 500 сўмдан 1696 сўм 97 тийингача; учинчи гуруҳга — 1696 сўм 98 тийиндан 2045 сўм 47 тийингача; тўртинчи гуруҳга — 2045 сўм 48 тийиндан 3500 сўмгача ва бешинчи гуруҳга — 3500 сўм ва ундан юқори иш ҳақлари бўлган пенсия ишлари киритилди. Бу гуруҳ энг юқори миқдорларда пенсия олган шахсларга тааллуқлидир.

Уларнинг иш ҳақларини 1,5 бараварга оширганда пенсиянинг энг юқори миқдорини белгилаш учун қонунчиликда белгиланган энг кам иш ҳақининг етти баравари ҳисобланган 5250 сўмдан ошиб кетади. Яъни, пенсиянинг асосий миқдорини белгилашда иш ҳақининг 5250 сўмдан ортиқ қисми эътиборга олинмайди. Шунинг учун бу гуруҳга кирган пенсия ишлари бўйича иш ҳақларини 5250 сўм белгилаб, меҳнат стажининг давомийлигига қараб, кўпи билан иш ҳақининг 75 фоизи миқдорида пенсияни ҳисоблаш мумкин.

Мисол: пенсионернинг ўртача бир ойлик иш ҳақи 3750 сўм, ортиқча стажи эса 10 йил бўлган. Бу кишининг 1997 йил 1 июлдан кейин пенсияси миқдори 5250 (3750 х 1,5) сўмнинг 65 фоизини ташкил этади. Бу 3412 сўм 40 тийин бўлади.

— Яна бир нарсага аниқлик киритсак: юқорида айтганимиздек, пенсиялар миқдорини ўртача 1,5 бараварга ошириш билан биз амалдаги пенсия қонунчилигини ҳам бузмаслигимиз керак-ку?

— Ҳа, бу галги қайта ҳисоблашнинг ўзига хос хусусияти ҳам шунда. Айтиб ўтилганларни тўлароқ тушуниш учун яна мисоллар келтираман: пенсионернинг иш ҳақи 1698 сўм бўлган, унинг талаб қилинганидан 10 йил ортиқ стажи бор, 1997 йил 1 июлгача — 1294 сўм 80 тийин пенсия олган. 1997 йил июль ойидан бошлаб 1655 сўм 55 тийин пенсия олади. Бу иш ҳақини 1,5 бараварга ошириб, иш стажига нисбатан аниқланган пенсия. Пенсия миқдори 360 сўм 75 тийинга ёки 1,28 бараварга оширилади.

Бошқа мисол, 1990 сўм иш ҳақи бўлган пенсионер 1997 йил 1 июлга қадар 1324 сўм олган. 1997 йил 1 июлдан 10 йил ортиқча стажи билан 1940 сўм 25 тийин олади. Пенсия 616 сўм 25 тийинга, яъни 47 фоизга ортади. Иш ҳақи 2050 сўмдан ортиқ бўлган пенсионер 1997 йил 1 июлга қадар 1332 сўм 50 тийин пенсия олган бўлса, 1 июлдан унинг пенсияси 1998 сўм 75 тийин бўлади. Пенсияси 1,5 бараварга ортади.

Президент Фармони билан белгиланган янги энг кам миқдордаги иш ҳақи — 750 сўм ва энг кам миқдордаги пенсия — 1400 сўм ҳам қайта ҳисоблашларда эътиборга олинади (агар пенсионернинг иш ҳақи кам бўлса, пенсияга бериладиган оширишлар 750 сўм ҳисобидан берилади).

Янги тартибдаги пенсиялар миқдорини қайта ҳисоблаш ногиронлик пенсияларига ҳам қўлланилади. Уларнинг ҳам иш ҳақлари 1,5 бараварга оширилиб, пенсияларнинг асосий миқдори ва қўшимча ҳамда оширишларга бўлган ҳуқуқи аниқланади.

Нафақалар миқдори эса — улар қатъий миқдорларда ёки энг кам миқдордаги иш ҳақига боғлиқ ҳолда белгиланади.

Меҳнат стажига эга бўлмаган фуқароларга нафақалар миқдори 680 сўмдан 850 сўмгача оширилган. Болаликдан 1 ва II гуруҳ ногиронлик ҳамда 16 ёшгача ногирон болаларга нафақалар 1125 сўмдан 1400 сўмга оширилди. Болаларга қараб туришлик нафақаси 900 сўмдан 1125 сўмга (энг кам иш ҳақининг 150 фоизи), бола туғилиши муносабати билан бериладиган бир йўла нафақа 1200 сўмдан 1500 сўмга (750х2) ортди.

— Охирги савол: барча пенсионерларга пенсияларини оширилган миқдорларда тўлаш учун маблағ етмайди деган миш-мишлар бор...

— Бундай миш-мишлар асоссиз. Вазирлигимиз июль ойида пенсия ва нафақаларни оширилган миқдорларда тўлаши учун молиявий заҳира йиғиш масаласига алоҳида эътибор берди. Пенсияларни оширилган миқдорларда тўлашга кетадиган харажатларни қоплаш учун маблағимиз талаб қилинганидан ортиқ.

Пенсия жамғармаси, банк ва почта корхоналарининг ҳудудий бўлинмалари шу йил 1 июлдан пенсия ва нафақаларни Фармонга биноан янги миқдорларда тўлайдилар.

1997 йил 20 июнга қадар барча ижтимоий таъминот бўлимлари қайта ҳисоблаш ишларини тўлиқ якунладилар ва алоқа бўлимлари, халқ банкларига топшириш учун тўлов ҳужжатларини расмийлаштириш ишларини ниҳоясига етказдилар. Бизнинг саъй-ҳаракатларимиз барча пенсионерлар янги пенсияларини ўз вақтида олишларига қаратилган.

Суҳбатдош: Норбобо ШАКАРОВ.

ЧИНОРЛАР ВА МИНОРЛАР.

Абдулғани ЖУМА олган суратлар.

Долзарб мавзуда суҳбат



ЎНГГА КИТОБ, ЧАПГА ТЕРМИЗ, ТЎҒРИГА... «ЛЕНИНГРАД»?

Луқма

Шаҳрисабз шаҳридаги Чинорни ҳамма билади. Худди шу — «Чинор» деб халқ тилига тушган бекатдан Чироқчи туманига кетиш мумкин. Тунов куни Чироқчига шу ердан кета туриб, кўзим Болта Фозилов номли жамоа хўжалигига етмасдан катта тунукадаги ёзувга тушди. Афтидан 80-йилларда ёзиб қўйилган. Ушбу кўрсаткич бу ердан ўтган ҳар қандай йўловчи кўзига ярқ этиб тушади. Аммо ҳайдовчига йўлни олдиндан огоҳ этувчи белгини кўрмаганлар кўп экан. Бўлмаса...

Кўрсаткичдаги белгилар «ўнгга Китоб, чапга Термиз, тўғрига «Ленинград» жамоа хўжалигига, дея ёзиглик турмасди. Кўзларимга ишонмай таксичига: «Илтимос, машинани тўхтатинг, малол келмаса, бироз орқага қайтайлик, шу белгини кўриш учун» дедим. Киракаш ҳайрон бўлса-да, «Хўп, ака», деб орқага бурди. Биргаликда қарадик, кўрдик, ҳақиқатдан ҳам тўғрида: «Ленинград» ж/х.

Кимдир нима бўпти, дейиши мумкин. Аммо биз Чироқчига етгунча йўлсозларни қойидик. Ҳали ҳам бефарқлар, омма ораси у ёқда турсин, йўлдан атрофга боқиб юрмайдиган раҳбарлар борлигидан ажабландик. Чунки «Ленинград» ж/х.нинг йўқ бўлиб кетганига анчалар бўлган.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ ***Фаластин маъмурияти раҳбари Ясир Арофат 30 июнь куни Францияга расмий ташриф билан жўнаб кетди. Дастлабки маълумотларга кўра, Фаластин раҳбари шу куннинг ўзидаёқ Франция Президенти Жак Ширак билан учрашди. Учрашув давомида Яқин Шарқдаги вазиятни юмшатиш бўйича Европанинг аралашуви йўллари муҳокама қилинди. Арофат Европа иттифоқи томонидан Исроилга кенг миқёсдаги сиёсий таъсир ўтказишга эришиш ниятида Парижга келди. У Исроил маъмуриятини Фаластин томонидан илгари сурилган режаларни амалга оширишга мажбур этишни талаб қилмоқда.***

* * *

☑ ***Кеча Чехия Президенти Вацлав Гавел давлат ташрифи билан Украина пойтахтига келди. У Украина Республикаси Президенти Леонид Кучма ва парламентнинг спикери Александр Мороз, ҳукумат раҳбарлари билан учрашади. Бу учрашувлар давомида икки томонлама муносабатлардаги келажак режалари муҳокама қилинади. Айниқса, Европада хавфсизлик масалаларини таъминлаш борасидаги режалар муҳокама қилинади. Ташриф давомида қатор икки томонлама ҳужжатларга имзо чекилади. Чунончи, икки томонлама солиқ солишни бекор қилиш, уюшган жиноятчилик, терроризм ва турли наркотик моддалар билан ноқонуний савдо қилишга қарши курашиш борасида ҳамкорликни кучайтириш, ядро энергетикаси ва ядро саноати соҳасида бирга ишлаш масалалари кўриб чиқилади.***

* * *

☑ ***Ёқутистон делегацияси вакилларининг Белоруссияга сафари давом этмоқда. Ушбу республика Президенти Михаил Николаев раҳбарлигидаги делегация бир неча кундан бери Белоруссияда турибди. Ёқутистон ҳукумати раисининг ўринбосари Руслан Шипковнинг айтишига кўра, Ёқутистон ва Белоруссия ҳукуматлари ўртасидаги ўзаро бир-бирини тушуниш масалалари муҳокама қилинади. Ёқутистонга «БелАЗ» типидаги самосвалларнинг эҳтиёт қисмлари ҳам етказиб берилади.***

ГЕРБИМИЗ — ФАХРИМИЗ

Ҳар бир давлатнинг ўз байроғи, герби ва гимни мавжуд

2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинганига 5 йил тўлади

Мамлакатимиз озодликка эришгандан бери ўтган олти йил мобайнида халқимиз ҳаётида жуда кўп унутилмас воқеалар юз берди. Ўзбекистон байроғининг БМТ биноси олдидаги мустақил давлатлар байроқлари аллеясидан муносиб ўрин олгани энг ҳаяжонлиси бўлди.

Ушанда телевидение орқали жаҳондаги энг обрўли мамлакатларнинг байроқлари қаторида бизнинг жонажон байроғимиз ҳам бамисоли қафасдан озодликка чиқиб, қанотларини потирлатаётган Ҳумо қушидек ҳилпираётганини кўриб ўзбекман деганнинг кўзларидан беихтиёр қувонч ёшлари сизиб чиққанлиги рост.

1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Давлат герби қабул қилиниши ҳам халқимиз томонидан фахру ифтихор билан кутиб олинди. Аслида шўролар даврида ҳам бизнинг ўз байроғу гимнимиз ва гербимиз бўлган эди. Аммо уни ўзимиздан бошқа ҳеч ким билмас ва тан олмасди. Алдагани бола яхши деганларидек, Ўзбекистон давлат рамзлари рамзий маънога эга эди, холос. Амалда республикамиз мустақил давлат эмас, балки шўролар империясининг ажралмас қисми, ҳуқуқий бўлинмаси ҳисобланарди. Империя таркибидаги миллий давлатчилик анъаналари, миллий маданият ва қадриятлари топталган бошқа халқлар сингари хорижда бизни ҳам бир сўз билан «руслар» деб аташар эди.

1989 йили Югославияга саёҳатга борганимизда бир гуруҳ италиялик ёшлар билан суҳбатлашганимиз ёдимдан чиқмайди. Италиялик тенгдошларимиз дунёда ўзбеклардек жаҳон илму фани ва маданияти равнақига улкан ҳисса қўшган буюк халқ борлигини билишмас экан. Улар харитада «СССР» деб қайд этилган улкан ҳудудда фақат руслар яшашади деб ўйлашаркан. Ўзбеклар тарихи, анъаналари, миллатимизнинг машҳур алломалари ҳақида куйиб-пишиб гапириб берганимда, Оврўподаги уйғониш давридан бир неча аср илгари Марказий Осиёда тафаккур ва маданият бениҳоя ривожланганлигини уқтирганимда суҳбатдошларим жон қулоқлари билан тинглашган ва шундай маърифатли халқ борлигини билмасликларидан афсусланишган эди.

Истибдод туфайли халқимиз бой тарихи, маданияти ва қадриятларидан айрилиб қолди. Энг даҳшатлиси миллий ғуруримиз топталиб, бизга манқуртлик дарди юқтирила бошланди. Ана шундай хўрликларни бошдан кечирган халқ ўзининг мустақил давлати рамзларини ҳар қанча эъзозласа арзийди.

Ўзбекистон Давлат гербининг яратилишида республика аҳолисининг аксарият қисми иштирок этди. Одамлар давлат гербини қандай тасаввур этишлари ҳақида Олий Мажлисга, телевидение, радио ва матбуот органларига юзлаб мактублар йўлладилар. Таклиф ва мулоҳазалар пухта ўрганилиб, атрофлича муҳокама қилинди. Шу боисдан ҳам бугун кўзимизга оловдек кўриниб, қалбларимизда ифтихор туйғуси уйғотаётган гербимизда халқимизнинг миллий руҳияти, турмуш тарзи, асрий орзу-умидлари мужассамлашган дейишга ҳақлимиз.

Герб марказида қанот кериб турган Ҳумо қуши қўёшли ўлкамизга бахту саодат, барака бахшида этади, пахта-ю дон эса ўзбекнинг ризқу-рўзи, меҳнатсеварлиги ва меҳмоннавозлиги рамзидир. Саккиз қирралик мусамман эса ҳаёт қанчалик ранг-баранг ва серқирра бўлишига қарамасдан, уни ички бир илоҳий ғоя бирлаштириб, бошқариб туришини англатади.

Гербимиз ҳақиқатан ҳам мукаммал яратилган бўлиб, уни ўзбек қалбининг рамзи дейиш ҳам мумкин. Мустақиллигимизни намоён этувчи ушбу белгилардан мағрурланиш билан бирга, уларни қадрлашни, асраб-авайлашни ҳам унутмаслигимиз зарур.

Маълумки, «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги Қонунда давлат тамғасининг рангли ва оқ-қора кўринишлари аниқ тасвирлаб берилган. Шунингдек, қайси давлат ва ҳукумат идоралари, маъмурий ташкилотларда герб тасвиридан фойдаланиш мумкинлиги ҳам қонунда аниқ белгилаб қўйилган. Кейинги пайтларда айрим маъмурий идораларда асл нусхасидан анча фарқ қиладиган герб тасвирлари илиб қўйилиб, уларнинг ҳолатига бефарқ қараш ҳоллари ҳузатилмоқда. Деворда чанг босиб, ранги кетиб қолган Давлат тамғаси осиб қўйилган хонада керилиб ўтирган раҳбарга қандай баҳо бериш мумкин? Наҳотки, улар Давлат герби тасвирининг ҳолати учун ташкилот раҳбари қонун олдида жавоб беришини билмасалар?!

Яна бир масала кишини ажаблантиради. Ҳозир турли ташкилотлар, хусусий корхоналар, фирмаларнинг гувоҳномалари ва расмий бланкаларида ҳам Давлат герби нусхаси кўзга ташланиб қолмоқда. Ҳатто айрим кишилар ўзларининг шахсий ташриф қоғозларини ҳам давлатимиз байроғи ва герби билан безашни ихтиёр этмоқдалар.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги Қонунида қайси идоралар ўз расмий ҳужжатларида герб тасвиридан фойдаланиши мумкинлиги кўрсатилганига қарамай, ҳар ким ўзбошимчалик билан иш тутаверса давлат рамзларининг нуфузига путур етмасмикан?

Қўлимиздаги ташриф қоғози «Суғдиёна» фирмаси президенти Фурқат Дўстматовники. Унга туширилган Ўзбекистон Давлат гербининг тасвири асл нусхасига сира ўхшамайди. Бутун жаҳон шарқ табобати маркази шифокори, табиби Ғайб Маҳмуджон Сайдуллаев ҳам шахсий ташрифномасига давлат рамзини тушириб олганлигига асло тушуниб бўлмайди.

Умуман, давлат рамзларидан фойдаланиш тўғрисида янги норматив ҳужжат тайёрлаш зарурга ўхшайди. Давлатимиз байроғи ҳар бир бино томида ҳилпираб турса майли, аммо, давлат гербини ҳар бир уй пештоқига илиб қўйиб бўлмайди.

Кези келганда айтиш жоизки, турли тижорат фирмалари ва дўконлари, ҳатто минерал сув ва бошқа ичимликларни ҳазрати Амир Темурнинг муборак номлари билан аташ ҳам кишини ўйлантириб қўяди. Улуғ боболаримиз Амир Темур, Алишер Навоий, Мирза Бобур, Абу Али ибн Сино, Ал Хоразмий каби сиймоларнинг номлари биз учун давлат рамзларидек муқаддасдир. Улардан реклама ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш маънавий қадриятларимиз обрўсига соя солмасмикин?

Бир замонлар давлатимиз рамзлари чинакам маънода қадр топишини, жаҳон мамлакатлари томонидан тан олинишини ич-ичдан орзу қилар эдик. Ниятимиз ижобат бўлди. Энди уни ўзбеклигимиз белгиси — бошимиздаги дўппи каби эъзоз этайлик. Зеро давлат рамзи миллат рамзидир!

Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ.

Хатлар

КАЛАМУШНИ КЎРГАН БОРМИ?

Азим Тошкентимизда истиқомат қилаётган жажжи фарзандларимиз гоҳ-гоҳида ҳайвонот боғига жониворларни кўргани бориб туришади. Таассуротларини айтиб тугатишолмайди. Аммо бунга ҳожат бўлмай қолди...

Шаҳарнинг қоқ марказида, бизнинг Беш-Ёғоч даҳасидаги 6-уй олдида фарзандларимиз каламушлар ўйинини кўриб бир завқларига ўн завқ қўшиляпти. Умуман, Халқлар дўстлиги майдони атрофидаги кўп қаватли уйларнинг орқа томонига ўтсангиз, ит-кучукдан тортиб, қўй-бузоққача учратасиз. Ахир, бу ерга чет элдан меҳмонлар, узоқ-яқиндан дўстларимиз келиб туришади-ку. Наҳотки, уйларимиз олдидаги ахлат чиқиндиларини ўз вақтида олиб кетиш шунчалик муаммо бўлса, айтишга ҳам одам уялади. 2,5-3 ойдан бери бу ахлат уюмларини олиб чиқиб кетиш биронта одамнинг хаёлига келмаяпти.

Шайхонтоҳур тумани Бешёғоч даҳасидаги 6-уйда истиқомат қилувчилар: Л. СМИРНОВА, А. ПАК ва бошқалар.

ЎҚИТУВЧИ — ҲАР БИРИМИЗНИНГ УСТОЗИМИЗ

Бугунги айрим топармон-тутармон ота-оналарнинг фарзандлари кўз ўнгида ўқитувчиларни ҳурматсизлашига чидаб бўлмайди. Яшириб нима қиламиз, уларнинг айримлари ўқитувчига паст назар билан қарашади. Гоҳида уларни жеркиб ҳам ташлашяпти. Бундай ота-оналар ҳеч қачон фарзандларининг ўқитувчи бўлишини исташмайди.

Мен ўқитувчида умуман айб йўқ, демоқчи эмасман. Бир аччиқ ҳақиқатни очиқ айтай. Олийгоҳда ўқиб юрганимда сиртқи бўлимда 180 га яқин талаба таҳсил олардик. Улардан ярмигина мактабда ишлар эди. Қолганлари ўқитувчиликдан бехабар эди. Нима, бу шарафли касбга паст назарми ёки кимларнингдир қистови билан ўқишга киришми? Кўз ўнгимда ўқитувчиликка астойдил ҳавас қилиб, орзулари ушалмай кетган йигит ва қизларни чақириб олгим келарди. Афсуски, бунинг иложи йўқ...

Ўткинчи ҳавас қилувчилар билан касб фидойиларини бир-биридан ажратиб олмоқ керак. Бир нарса аниқки, педагогик маҳорати етарли бўлган ўқитувчилар ўз ўқувчилари қалбидан жой олиб улгуришган. Аммо бу касбга ҳавас деб қараган «ўқитувчи» дарсларнинг бошланишидан тортиб, охиригача ўқувчилар учун кераксизлигича қолади.

Жойларда ҳокимлар, халқ таълими вакиллари, ота-оналар кучини бирлаштириш керакка ўхшайди. Ана шунда мактабда бирон фан ўқитувчиси бўлмаса, директор ўйламай-нетмай бу фанни тушунмайдиган бошқа ўқитувчига буни юкламайди. Ахир мақсад 45 минутни бир амаллаб ўтказишда эмас-ку.

Отабек УМИРОВ, Зарбдор тумани халқ таълими бўлими услубчиси.



Узоқни кўзлаган қиз. Абдулғани ЖУМА олган сурат.

ЎТГАН УМРГА ШУКРОНА

Мухтор оға Бўстонлиқда туғилиб ўсган. Ҳозир у 125-автокорхонада фуқаролар мудофаси муҳандиси бўлиб ишлаяпти.

Умрни асов дарёга қиёс қилишади. Уни жиловлаб ҳам, бўйсундириб ҳам бўлмас экан. Оқар сув сўлим боғлар, чорбоғ, гулзорлар оралаб ором бағишлайди, куйлайди, жўшади, борлиқни яшнатади. Мухтор оға ҳам шу ўтган умрига шукроналар айтади. Яқинда 125-автокорхонада катта тадбир бўлиб ўтди. Мажлислар залига йиғилган корхона меҳнат аҳли ва меҳмонлар унинг меҳнат фаолияти 53 йиллигини нишонлашар эканлар, Мухтор оға Сайдалиев шаънига илиқ сўзлар айтдилар.

Тадбирни очган Ўзбекистон ХДП Бўстонлиқ туман кенгаши биринчи котиби Р. Махаматов М. Сайдалиевнинг ҳаёти ва фаолиятига атрофлича тўхталди. Ундан сўнг сўз олган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, туман ҳокими Абдуманнап Абдувосиқов, Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашининг биринчи котиби Ў. Турғунов, уруш ва меҳнат фахрийлари, «Нуроний» жамғармаси туман ташкилотининг малаҳатчиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Абдурашид Раҳимбердиев ва 125-автокорхона раҳбари Тошмат Аширбоевлар Мухтор оғани табриклашиб, унга эсдалик совғалари ва қутлов ёрлиқларини топширдилар.

Неъматилла ҚАЮМОВ, Абдурасул ИСЛОМОВ.

ФАОЛЛАР ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Чирчиқ шаҳар фаолларининг республика Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобини ўрганишга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Уни шаҳар ҳокими Д.Азизхўжаев кириш сўзи билан очди. Ўзбекистон Фанлар академияси И.Муминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори, фалсафа фанлари доктори А.Жалолов юртбошимиз янги китобининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тўғрисида маъруза қилди, анжуман иштирокчиларининг саволларига жавоб берди.

«Ўзбекистон овози»нинг ўз мухбири.

Партия ҳаётидан

«КАЛТА МИНОРНИ ҚУРСА БЎЛАДИМИ?..»

— Хева Ичон қалъа музей-қўриқхонаси директори, тарих фанлари номзоди Абдулла Абдурасулов саволимизга шундай жавоб қайтарди: «Қизиғи, атиги уч йил муқаддам шундай ҳаракатлар бўлган. Бундан деярли бир ярим аср муқаддам қад ростлаган ва тақдир тақозоси билан чала қолган Калта минор шу маҳобати билан ҳам буюк, қадим шаҳарнинг тимсолига айланган. У дунёнинг мангу битмас ишларига ишорадек туюлади...»

ХДП вилоят кенгаши қадим шаҳарнинг 2500 йиллик тўйи ҳамда буюк тариқатчи шоир Паҳлавон Маҳмуд таваллудининг 750 йиллиги муносабати билан туманларда, корхона ва ташкилотларда мунтазам равишда илмий-амалий конференция ўтказилмоқда.

Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«АСАКА» БАНКИНИНГ АЛП ОДИМИ

Биз яқин-яқингача чет эл банкларининг осмонўпар биноларини кино ёки телевизорда кўриб уларга ҳавасимиз келарди. Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистонимизда ҳам ана шундай ҳашаматли ва пурвиқор бинолар бирин-кетин қад ростлади. «Асака» банкининг замонавий биноси ҳар қандай чет эл биноларидан қолишмайди. Фақат ташқи безаги, ҳашамати эмас, ичида ўрнатилган энг замонавий электрон-техника жиҳозларини айтмайсизми? Энг замонавий компьютерларнинг ишлашини кузатиб, кўнглимизда фахр ва ғурур туйғулари жўш урди. Ҳа, Ўзбекистон жаҳонга, жаҳон эса Ўзбекистонга қўл узатмоқда.

Суҳбатдошимиз хазиначилик бошқармасининг бошлиғи Расул АЛИМУҲАМЕДОВни ўз хонасида рангли компьютерлар билан ишлаётган паллада учратдик. У иш кўплигидан бош кўтармасди. Бир неча дақиқа халақит бергим келмади. Қайсидир нуқтага етганда компьютерларда ҳисоб-китоблар жадвали пайдо бўлди. Унинг чеҳраси ёришиб ўрнидан турди. Суҳбатимиз ҳам ўз-ўзидан қовуша қолди.

— «Асака» банки ташкил топганига ҳам бир йилдан ошиб қолди. Бу ихтисослашган акционерлик-тижорат банкини ташкил этишдан асосий мақсад нима эди?

— Хабарингиз бор, мустақил Ўзбекистонимизда автомобилсозлик корхонаси «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси ишга тушган. «Асака» банкини тузишдан мақсад ҳам Ўзбекистонда автомобилсозлик саноатини ривожлантириш эди. Биз шу саноатга қарашли корхоналарга хизмат кўрсатишни ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўйганмиз.

— Асосий мижозларингиз кимлар?

— «Ўзавтотеххизмат» ҳиссадорлик жамияти, «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси, шу билан бирга Ўзбекистон ҳудудида ташкил топаётган янги, кичик қўшма корхоналар бизнинг асосий мижозларимиз ҳисобланади.

— Уларга қандай хизмат турлари кўрсатиляпти?

— Мижозларни жалб этиш ҳам бир санъат. Ҳозир уларнинг сони 9 мингтага етди. Шу кунларда банкнинг кредит қўйилмалари миллий валюта ҳисобида 3,5 миллиард сўмни ва хорижий валюта ҳисобида 32,6 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Банк ўз улушини ошириш мақсадида 6 та қўшма корхона қурилишини молиялаштирмоқда.

Мижозлар билан ишлаш ҳаётимиз миқёсидаги марказимизда турган масаладир. Ўзингиз биласиз, бугунги кунда мижозни жалб қилиш учун банклар орасида соғлом рақобат бўлаётган бир пайтда аён бўлаяптики, кимки мижозларга хизмат кўрсатиш маданиятини юксак даражага кўтараётган бўлса, ўша банкнинг иши кўнгилдагидек бўлмоқда. Бундан ташқари бизнинг мижозлардан оладиган комиссияларимиз Ўзбекистон банклари орасида энг кичик ҳисобланади.

— Буни халқаро аудит компанияси ҳам тан олаяптими?

— Ҳа-да. Банкнинг иш натижалари мустақил халқаро аудит компанияси томонидан текширилди. У баланс маълумотларининг ишончли эканлигини ва халқаро банк мезонларига мос келишини тасдиқлади.

«Делоит-Туш» компанияси берган шу хулосада «Асака» банкининг бугунги ҳолати дунё андозаларига жавоб бераётгани қайд этилдики, жаҳондаги энг йирик аудит компаниясининг бизга берган баҳоси янги ютуқларга илҳомлантирмоқда.

— Банкнинг нуфузи кундан-кунга ошиб бораётгани ҳаммани қувонтиради, албатта. Республика қимматбаҳо қоғозлар бозорини ривожлантиришга қандай ҳисса қўшаяпсиз?

— «Асака» банк республика Марказий банкининг асосий лицензиясига эга. Банк республикада муомалада бўлган ҳамма турдаги қимматли қоғозлар билан операциялар ўтказиб, фонд биржасининг фаол қатнашчиси бўлиб қолди. У республика қимматбаҳо қоғозлар фонд биржасининг қатнашчиси сифатида бу бозорга хўжалик юритувчи субъектларни жалб қилиш бўйича муайян ишлар олиб бормоқда. Банкнинг асосий фаолияти давлат қисқа муддатли облигациялари билан операциялар ўтказишга йўналтириляпти. Қўйилмалар ҳажми шу йилнинг 1 май ҳолатига кўра 1947,4 миллион сўмни, шу жумладан банкнинг ўз маблағи миқдори 285,4 миллион сўмни (15 фоизни), инвесторлар қўйилмалари 1662 миллион сўмни (85 фоизни) ташкил этди. Республика валюта биржасида банк ўз фаолиятини кун сайин ривожлантиришга интилмоқда.

— Ҳозирги кунда мамлакатимиз банклари фаолиятини чет эл билан ҳамкорликсиз тасаввур этиб бўлмайди, шундай эмасми? «Асака» банк ҳам чет эл мамлакатлари билан алоқалар ўрнатганми?

— Албатта. Бусиз бугунги кунда умуман иқтисодий тараққиётга эришишни тасаввур этиш мумкин эмас. Шубҳасиз, банк тизими бунда муҳим аҳамият касб этиши керак. Бизнинг «Асака» банкимиз жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари банклари билан вакиллик муносабатларини йўлга қўйган. Бугунги кунда 14 та хорижий банклар билан вакиллик муносабатлари ўрнатганмиз. Жумладан, Чейз Манхеттен Банк ва Банк оф Нью-Йорк (АҚШ), Дойче Банк ва Берлинер Банк (Олмония), Кредит Свисс (Швейцария), Корея Эксчейнс Банк (Корея), Барклайз Банк ((Англия) ва бошқалар. Булар ҳаммаси «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси фаолияти билан боғлиқ бўлган самарали банк операцияларини ўтказишни, банкнинг бошқа мижозлари эҳтиёжини қондиришни таъминламоқда.

— Расул Ҳожимуротович, суҳбатни бошлашимиздан аввал банкда энг замонавий техника жиҳозлари ўрнатилганлигининг шоҳиди бўлдим. Дунёнинг исталган нуқтаси билан боғланиш имконини берадиган бундай қулай шароит банк фаолиятининг самарадорлигини оширишда қандай ҳисса қўшаяпти?

— Тўғри пайқабсиз. Чет эл банклари билан алоқадан ташқари ўз мамлакатимизда банкнинг 16 филиалини очганмиз. Нукус шаҳрида, республикамизнинг барча вилоят марказларида, Тошкент шаҳрининг ўзида иккита филиалимиз муваффақиятли иш олиб боряпти. Банк олдига қўйган вазифаларни амалга ошириш учун энг янги ҳисоблаш техникалари, банк жиҳозлари, коммуникация тизимлари катта аҳамият касб этмоқда. Ахир, мижозларни кенг жалб қилиш борасида муттасил иш олиб борилаётган экан (бугунги кунда уларнинг сони 9 мингга етди дедим) бунда замонавий техника воситаларининг қадри беқиёсдир. Бугунги кунда банкимиз энг йирик электрон ҳисоб-китоблар олиб бориш тизими — СВИФТ уюшмасига аъзодир. Дунёдаги энг йирик ахборот агентлиги РЕЙТЕРС тизимига ҳам аъзо.

Қолаверса, 16 та филиалимизнинг ҳаммаси ҳам ноёб замонавий электрон-ҳисоблаш машиналари билан жиҳозланганлигини айтиб ўтиш жоиздир.

— Турган гапки, бу техника воситаларидан унумли фойдаланишда юқори малакали мутахассисларнинг ўрни бўлакча. Сизларда кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш қандай йўлга қўйилган?

— Ҳозирги кунда «Асака»банк ходимлари сони 800 кишидан ошиб кетди. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтишни истардимки, уларнинг ўртача ёши 30 ёшдир. Қадрларимизнинг ярмидан кўпроғи ҳали 30 га кирмаган ёшлар эканлигини мамнуният билан тилга олмоқчиман. Ходимлар малакасини оширишга келганда ўзимизнинг ўқув марказимиз бор. Унда йил давомида мутахассислар, ёшлар ўз малакаларини муттасил ошириб борадилар. Бундан ташқари республика ва халқаро ўқув марказларига юбормоқдамиз. Мен юқорида тилга олиб ўтган жаҳоннинг энг йирик банкларида ҳам ёшларимиз ўқиб малака ошириб келишди. Ҳозир улар муваффақиятли иш олиб бормоқдалар.

— Суҳбатимиз сўнггида сизга яна бир — банк учун устувор ҳисобланган йўналишни таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу юртбошимиз Ислом Каримов алоҳида таъкидлаб ўтган ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришга кўмаклашишдан иборатдир. Бунинг учун нималар қиляпсиз?

— Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки ҳамда «Асака»банк ўртасида тузилган кредит битимга боғлиқ 30 миллион АҚШ доллари ажратилди. Ҳаражатларни тўла қоплай оладиган экспорт инвестиция лойиҳаларини аниқлаш бўйича қизғин иш олиб бормоқдамиз.

Хулоса қилиб айтганда, банкнинг мижозларга хизмат кўрсатиш маданиятини жаҳон андозаларида ташкил этиш бизнинг асосий мақсадимиз бўлиб қолаверади. Берилган кредитлар ҳисобига Асака шаҳрида автозавод қурилгани, банк ўз улушини ошириш мақсадида 6 та қўшма корхона қурилишини молиявий маблағ билан таъминланаётгани, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича 6 та станция қайта таъмирланаётгани, 8 та сервис хизмати кўрсатиш станциялари лойиҳаларини тайёрлаш ишлари жадал олиб борилаётгани ишлар кўлами тобора кенгайиб бораётганидан далолатдир.

Суҳбатдош: Ҳамид ИКРОМОВ, «Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири.

Мамлакат банк тизимида

ҲАР ТОМЧИСИ ЗАҲАР

Юртимизнинг барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари БМТ вакиллари билан гиёҳвандлик устидан халқаро назорат қилиш бўйича мувофиқлашишни яхшилаш, манфаатдор идора ва маҳкамаларнинг ишларини мустаҳкамлаш масалалари юзасидан яқин ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Гиёҳвандликка қарши курашда наркобизнеснинг хом ашё базасини аниқлаш ва йўқ қилишга алоҳида эътибор бериляпти.

Ўтган йилнинг декабрь ойида Ургут тумани Муминобод жамоа хўжалиги, Чумчуқли қишлоғида яшовчи Дониёров Мусаддин ва Хўжаев Асадулла қонунга хилоф равишда гиёҳвандлик воситасини ўтказишга олдиндан тил бириктиришади. Шу куни соат тахминан 21 ларда Чен қишлоғида яшовчи Раҳмонов Шодмондан ҳар бир граммига 100 сўмдан пул бериш эвазига 1 кг. 444 гр. миқдоридаги кўкнори ширасини олишади. Сўнгра, харидор Раҳматов Ғафурга 250 минг сўмга қайта сотиб, пулни санаб олаверади. Худди шу чоғ Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бўлими томонидан ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида ушланиб, 1 кило 444 грамм кўкнори ширасидалилий ашё сифатида олинади.

Бу жиноятчилар 1997 йил 28 апрель куни Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари судлов ҳайъати мажлисида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 272 моддаси 2-қисми билан ҳар учала судланувчи айбдор деб топилди. Раҳмонов Шодмоннинг мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиниб, ўн етти йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Жазони қаттиқ режимли колонияда ўташ белгиланди.

Иккинчи судланувчи Дониёров Мусаддинга ҳам шу жазо қўлланди. Хўжамов Асадуллага эса Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 272-моддаси иккинчи қисмига кўра, мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилиниб, ўн тўрт йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланган.

Ундан ташқари бошқа уюшган гуруҳ аниқланиб, ушланган. Жумладан Авезов Ғуломжон Хоразм вилоятида туғилган. У 1996 йил 14 июнь куни ўзининг таниши «Дружба» шаҳар, «Туямуйинузель» эксплуатация бошқармасида шофёр бўлиб ишловчи Саидабдуллаев Саъдулла билан Термез шаҳридаги бозордан номаълум шахсдан фойда кўриш мақсадида 3500 АҚШ долларига 8 кило 403 грамм афюнни сотиб олади. Уни Саидабдуллаев ихтиёридаги 10—64 ХЗМ давлат белгили КамАЗ автомашинаси кузовининг олдинги қисмидаги мой солинадиган бочка тагида жойлаштиради. Хоразмга келаётганларида «Дружба» шаҳар Тупроққалъа даҳасидаги ДАН масканида милиция ходимлари томонидан тўхтатиб текширилади.

Бу жиноий иш Хоразм вилоят судида кўрилиб ҳар иккала жиноятчига узоқ муддатли жазо чораси қўлланилди.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

Султонмурод ЮСУПХОНОВ, 1-даражали юрист.

ХОРИЖ МАТБУОТИ ЁЗАДИ

Муассасаларнинг котиблари ва турли хизматчилари шу даражада кўп электрон хатлар, телефон қўнғироқлари, факс ва бошқа ахборотларга «кўмилиб» қолганки, улар ўз асосий хизмат мажбуриятларини бажариш учун вақт ва имкон тополмаяптилар, дея ёзади «Дейли Телеграф» газетаси. Гэллап институти тадқиқотларига кўра, ўрта бўғин бошқарувчилари бир кунда 180 атрофида ҳар хил хабарлар ва ҳужжатлар оладилар. Котиблар эса иш жараёнида бундан ҳам кўп ахборотларга дуч келадилар.

* * *

«Ассошиэйтед Пресс» ФБР агенти Эрл Питс 27 йиллик қамоқ жазосига ҳукм этилганини, чунки у ўз фаолиятида Россия фойдасига жосуслик қилганини ёзади. Кўрсатилишича, Питс собиқ иттифоқ ва Россия фойдасига 1987 йилдан 1992 йилгача жосуслик қилиб, хизмати учун 224 минг доллар мукофот олган. У ўтган йилнинг декабрида қамоққа олинган. Питснинг охирги иш жойи Куантикодаги ФБР академияси эди. Питс бутун тарих давомида жосуслик учун қамоққа олинган иккинчи агентдир. Газетанинг эслатишича, июнь ойи бошида Марказий қидирув бошқармаси ходими Гарольд Николсон Россия фойдасига жосуслик қилганликда айбланиб, қамоққа олинган.

* * *

Исроил армияси Ғазо сектори ва Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги фаластинликларнинг турар жойларини эгаллаб олиш бўйича ҳарбий ўқув машқларини ўтказганини хабар қилади. «Франс Пресс» Фаластин мухторияти раҳбари Ёсир Арофатнинг ҳокимиятдан четлаши эҳтимолига кўра мазкур операция ишлаб чиқилган. Ёсир Арофатнинг мазкур жараён бўйича вакили «Франс Пресс»га берган интервьюсида Бенъямин Нетальяху бошчилигидаги ҳукумат агрессиясига йўл бермаслигини айтган. Нетаньяху тинчлик жараёнининг силжишига тўсқинлик қилиб турибди, дейилади.

* * *

Американинг энг бой-бадавлаит кишиларидан бири, «Майкросафт» фирмасининг раҳбари Билл Гейтс ўз номида кутубхона фонди ташкил этганини маълум қилди.

«Сиэтл-Пост Интеллиженсер» газетаси ёзишича, Гейтс бу жамғарма учун 200 миллион доллар ажратган. Жамғарманинг вазифаларидан бири «Интернет» тизимига АҚШ ва Канада кутубхоналарини улашдир. Бундан ташқари, жамғарманинг пулига ишчи-хизматчилар тайёрланади. Жамғарма фаолияти ёйиладиган асосий кутубхоналар аҳолининг даромад даражаси кам бўлган ҳудудларда жойлашган.

Сиёсий шарҳловчи нигоҳи

АДАШГАН ОРОЛНИНГ ҚАЙТИШИ

Аввалбошдаёқ таъкидлашни истардикки, биз давлатларнинг суверенитети, давлат чегараларининг дахлсизлиги тарафдоримиз. Аммо катта дунёнинг катта сиёсати айрим вазиятларга ўз таҳририни киритади. Давлатларнинг ички ишларига биз аралашмаймиз. Ўзгаришларни эса кузатувчи сифатида эътибордан ўтказамиз, холос.

Шу кунларда Ҳитой улкан воқеа арафасида турибди. 1 июль — бугун Гонконг Хитой тасарруфига ўтиши керак. Пекиннинг марказий майдони — Гяньаньмэндаги электрон соат миллари хитойликларнинг бир неча авлоди интиқ кутган бир ярим асрлик орзу амалга ошган лаҳзаларни шошиб саномоқда.

Хитойликлар Гонконгни Сяган («Хушбўй соҳил») дея аташади. У ўтган асрдаёқ Узоқ Шарқдаги ҳар жиҳатдан қулай макон сифатида британияликларнинг эътиборини тортган.

Ўтган асрнинг қирқинчи, етмишинчи йилларида бўлиб ўтган «банги уруш» натижасида инглизлар Сяган ороли ва Изюлун ярим оролининг бир қисмини «абадий фойдаланиш учун» олганлар. Истилочилик фаолияти 1898 йилда тенг бўлмаган шартномани имзолаш билан якун топган. Унга кўра, Буюк Британия қитъадаги Гонконгга туташ «янги ҳудудларни» 99 йилга ҳеч нарса бермаслик шарти билан ижарага олган.

Кейинги йилларда Хитой раҳнамолари бой берилган ерларни қайтариш учун қатъий уринганлар. 1949 йилда кўпчилик, Хитой Халқ Республикаси куч билан Гонконгни қайтариб олишга уринади, деб ўйлаганди. Аммо ундай бўлмади.

У йилларда Ғарб давлатлари янги Хитойни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан қамал қилиш йўлини тутдилар. Британия колонияси вазиятининг сақланиши ХХРни қаноатлантирар эди. Чунки бу ташқи дунёга бўлган ғаройиб «дарича» эди. Шу важдан Пекин Гонконгни нафақат қитъада қайнаб-тошган сиёсий компаниялардан асрар, унинг ҳаётини таъминлаш учун қайғурар, у ерга арзон нархларда ичимлик суви, озиқ-овқат, хом ашё ва ёқилғи етказиб бериб турарди. 1972 йилда ХХР БМТнинг истилочиликни бекор қилиш махсус қўмитасига Гонконгни ўз мустақиллигини кутаётган 24 давлат сафидан чиқариб ташлашни сўраб мурожаат қилди. Пекин Гонконгни ҳамиша Хитойнинг ажралмас қисми деб ҳисоблаган.

Бу ерда «янги ҳудудлар»нинг ижара муддати тугаб борар, инглизлар хитойликларнинг қўйнига қўл солиб, уларнинг Гонконг тақдирига бўлган қарашини ўзгартиришга уринарди. Музокаралар жараёнида Пекин ижара муддати чўзилиши ёки ҳудуднинг кундалик ишларини Буюк Британия бошқаришининг ҳар қандай усули ва кўринишларини қатъий рад этди.

1982 йилда Маргарет Тэтчер билан бўлган суҳбатда Дэн Сяопин суверенитет масаласи «савдо» қилинмаслиги, Хитой 1997 йилда Гонконгни ўз ихтиёрига олишини қатъий баён қилди. Айни пайтда, Дэн Сяопин ҳудуднинг гуллаб-яшнаши қитъанинг умумий ривожланиши билан боғлиқ эканини таъкидлаб, бундай сиёсатнинг умумий белгиларини кўрсатиб берди: «Гонконгда мавжуд бўлган сиёсий ва иқтисодий тизим, ҳатто у ерда ҳаракатда бўлган қонунларнинг асосий қисми ўзгармайди. Бир мамлакатда икки тизим сақланиб қолади. Сяган масаласини фақат икки — тинчлик ва унинг акси бўлган йўл билан ҳал қилиш мумкин», — деб ҳисобларди собиқ Хитой раҳбари. Иккинчи йўлни бошданоқ истисно этиб, мазкур масалани ҳал этишда Гонконгнинг ўзи, қитъадаги улкан Хитой ҳамда Буюк Британиядаги мавжуд вазиятдан келиб чиқишни ўқтирарди.

Бошқача ифодалаганда, масаланинг ечими ҳар учала манфаатдор томонни ҳам қаноатлантирмоғи зарур. Хитой сиёсий-иқтисодий йўли ўзгача бўлган Гонконгни ўзига қўшиб олса-да, бу йўлни кескин ўзгартирмоқчи эмас. Дэн Сяопин «бир мамлакатда икки сиёсий тизим» қоидаси бўйича қўшилишни ёқлаган. Гонконгнинг сиёсий тизимини яна ярим асргача ўзгартирмаслик Хитойдаги мавжуд шароитдан келиб чиқади, деб ҳисоблаган Дэн Сяопин. Унинг фикрича, Хитой тараққий этган давлатлар даражасига кўтарилиши ёки яқинлашиши учун яна 30-50 йил керак бўлади. Гонконгнинг ҳар жиҳатдан ривожланиши, барқарорлиги аввало Хитой манфаатларига мос келади.

Биз, албатта, қўшилишнинг оқибатларини назарий жиҳатдан таҳлил этмоқдамиз. Бунинг яна икки муҳим хусусияти мавжуд. Биринчиси — «мухториятнинг юксак даражаси», иккинчиси — «Гонконгни гонконгликларнинг ўзи бошқаради». Гонконг иқтисодий самарадорлик ва турмуш даражаси бўйича Хитойни ортда қолдиради. Ялпи маҳсулотнинг аҳоли жон бошига ўртача ҳиссаси Гонконгда 24 минг доллارни ташкил этади. Бу Буюк Британиядаги шундай кўрсаткичдан бир ярим баробар кўпдир. Шу кўрсаткич Хитойда 800 долларни ташкил этади.

Хитой Халқ Республикасининг Асосий Қонунига биноан Гонконг мақоми бўйича Сяган қонунчилик, ижроия, суд ҳокимиятини алоҳида ва мустақил равишда олиб боради. Кузатувчиларнинг фикрича, бу ҳудуднинг мустақиллигини мустаҳкамловчи қонунлар қўшилишдан сўнг ўз-ўзидан бекор бўлади. Солиқ, божхона тизимлари каби йўналишдаги сиёсатни ҳам Гонконг мустақил равишда олиб боради. Ҳозирча молия соҳасида ҳам мустақиллик табиати кучли бўлиши кутилмоқда.

Мудофаа ва ташқи ишлар сиёсати мутлақо Хитойнинг ихтиёрида бўлади. Сяган тумани ҳудудига Хитой Халқ озодлик армиясининг 196 нафар аскари аллақачон олиб келинган. 1 июль — бугундан ўз вазифасини бажаришга киришишга шай турибди.

Қўшилиш дақиқасидан бошлаб, махсус маъмурий Сяган тумани ХХРдаги бошқа мухториятга эга маъмурий бўлинмалар ёки махсус иқтисодий бирлашмаларга нисбатан жуда катта ҳуқуқ ва имтиёзларга эга бўлади.

Дэн Сяопин белгилаб берган Гонконгни гонконгликлар бошқаради, деган қоидага аниқлик киритиб, унинг ўзи шундай деганди: «Гонконгни бошқариш ишониб топширилган гонконгликлар бир қатор талабларга жавоб бериши керак. Маъмуриятнинг негизини ватанпарвар кишилар ташкил этиши лозим. Ватанпарварлар ким? Халқига муҳаббати баланд, Гонконгнинг суверенитетини ҳурмат қиладиган ҳамда айни пайтда бутун ҳудуднинг гуллаб-яшнаши ва барқарорлиги учун зарар келтирмайдиган кишилардир».

Бу ерда Британия маъмурияти ўрнига келадиган Сяган махсус маъмуриятини 60 ёшлик гонконглик миллиардер Тун Чжихуа бошқаради. Маъмурият бошқа аъзоларининг таркиби ҳам шу қоидани тасдиқлайди: «Гонконгни гонконгликлар бошқаради».

Салим АШУРОВ.

ОЛАМ ЎЗГАРИШЛАРИ

Россия ташқи ишлар вазири Евгений Примаков Гонконгга ташрифи давомида Британияга қарам бўлган ушбу мамлакатнинг Хитойга қўшилишига бағишланган тадбирларда қатнашади. Япония ташқи сиёсий идораси раҳбари Юкихико Икэда билан икки томонлама учрашув ўтказади. Россия ҳукумати раиси Виктор Черномирдиннинг расмий ташрифини тайёрлаш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилади.

* * *

Кеча Латвиянинг бутун ҳудудида мотам куни бўлиб ўтди. Талси шаҳарчасида полициячилар ва ўт ўчирувчиларнинг байрами куни юз берган фожиа натижасида ҳалок бўлганларнинг хотирасига бағишланган ушбу мотам кунида бутун Латвия халқи ларзага келди. Ўт ўчирувчилар машинасининг гидравлик кўтаргичи кўп юк ортилганлиги сабабли 18 метрли баландликдан тушиб кетганди. Бунинг натижасида 8 бола ва ўсмир ҳалок бўлган. 20 дан зиёд киши эса оғир жароҳат олган. Мотам куни қора лента тортилган давлат байроқлари осилди. Турли шодиёналар бекор қилинди.

Телевидение ва радиоэшиттиришларига ўзгартиришлар киритилди.



Майкл Жексон ва рафиқаси Лиза Мария.

Спорт

КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ

Бош терма жамоамиз футболчилари жаҳон чемпионати саралаш учрашувларининг дастлабки босқичини муваффақиятли босиб ўтишди. Гарчанд ҳали 13 июль куни Яман футболчилари қабул қилинсада, назарий жиҳатдан йигитларимиз гуруҳ ғолиби сифатида ҳал қилувчи босқичга йўлланма олишди. Боиси, футболчиларимиз ўтган дам олиш куни сафарда Камбоджа жамоасининг меҳмони бўлиб, 4:1 ҳисобида ғалаба қозондилар. Тўплардан иккитасини Бозоров дарвозага йўллаган бўлса, қолган 2 тасини Мақсудов билан Ирисметов нишонга урдилар. Шундай қилиб юртдошларимиз бешта ўйиндан кейин тўртта ғалаба, бир дуранг натижа билан тўплар нисбатини 15:2 га етказиб, очколарини 13 та қилиб олишди. Яман футболчилари эса футболчиларимиз билан бўладиган сўнгги ўйин олдидан 8 та очко билан иккинчи бўлиб туришибди. Ўйлаймизки, йигитларимиз охирги учрашувни ҳам кўтаринки руҳда ўтказадилар. Зеро, кураш энди давом этади. Футболчиларимиз ниятга етиш, Францияга бериладиган уч ёки тўртта йўлланмадан бирини қўлга киритиш учун бундай имкониятга даъвогар бўлиб турган Саудия Арабистони, БАА, Жанубий Корея, Қувайт, Катар, Эрон, Қозоғистон, Япония, Хитой жамоалари билан ўзаро куч синашишларига тўғри келади. Футболчиларимизга фақат омад ва муваффақият тилаймиз.

КОНГОДА ОТИШМАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Конго пойтахти Браззавилда отишмалар ва тўқнашувлар давом этмоқда. Мамлакат Президенти Паскаль Лиссубега содиқ қуролли кучлар ва мухолиф кучларнинг раҳбари Дени Сассу-Нгессонинг ҳарбий уюшмалари ўртасидаги жанглар кучайиб бораётир. Шаҳардаги «фронт чизиғи» ўзгармай турибди. Президент тарафдорлари яхши қуролланган бўлсалар-да, мухолифчилар сон ва ташкилотчилик жиҳатдан устунликка эга. Қонли жанглар натижасида Браззавиль кўчалари жасадларга тўлиб кетди.

Чет эл фуқароларини Конгодан эвакуация қилиш якунланмоқда. Умуман олганда мамлакат пойтахтидан тўрт мингдан зиёд кишини олиб чиқиб кетиш зарур эди.

ШАҲЗОДА ЯНА УЙЛАНМОҚЧИ

Шаҳзода Чарльз билан Камилла Паркер Боуэлнинг тўйи яқинлашиб қолди. Агар шаҳзода Чарльзнинг таклифини парламент қабул қиладиган бўлса, XX аср охиригача Британия қироллиги ҳаётидаги энг жанжалли воқеа барҳам топади. Эслатиб ўтамизки, тенгсиз никоҳ шартларига кўра Камилла Паркер Боуэл қиролича даражасини ололмайди. Шу боис консерватив кайфиятдаги инглизлар Британия монархиясининг келажагидан хавфсирамоқдалар. Консерваторлар Чарльз ва Камилла Боуэл ўртасидаги никоҳни ёлғондакам, деб ҳисобламоқдалар. Бинобарин Британия монархияси бундай никоҳни ҳали кўрмаган эди.

СУВТЕКИНГА БЕРИЛАДИ

Ҳиндистоннинг шимолий қисмидаги шаҳарларда ажойиб имтиёз жорий этилди. Ҳомиладор аёлларга барча ресторанларда овқат ярим баҳода, шарбатлар эса бепул бериладиган бўлди.

Ҳомиладор аёлларга берилган бу имтиёзга бошқа маиший хизмат турлари билан шуғулланувчи компаниялар ҳам бефарқ қарашмаяпти.

1. НИНДЗЯ— САБР-БАРДОШЛИ ДЕМАК

«Ниндзя» дейишимиз биланоқ барчанинг кўз ўнгида киноларда кўрганимиз — қора кийимли, енгил отиладиган кескирлар — жанговар ўроқ, занжир, турли қиличлар билан қуролланган абжир йигитлар гавдаланади. Аслида «ниндзя»ларнинг ўзи ким? Ниндзя — бир зумда кўздан ғойиб бўлувчи, тез, бироқ шовқинсиз юрувчи ўрта асрларда деҳқонлардан чиққан япон аскарларидир. Биз биламизки, улар ҳар хил қуроллардан фойдалана олади, заҳар турларини ажрата билишади, ниқобланиш ва яшириниш бўйича ўта истеъдодли, ҳатто очиқ, текис жойда ҳам бир зумда яширина билиш хусусиятига эга. Ниндзя машқларини амалда жорий этган олимлар ниндзюцу, яъни сабр-тоқат санъаткорлари, деб юритилган. Шунинг учун ҳам «ниндзя» сўзи «сабрли» деган маънони англатади.

Бироқ ниндзялар образи бугунги кунга етиб келгунча анча илоҳийлашган. Улар тўғрисидаги кўп гаплар тўқимадир. Агар улар тарихига илмий нуқтаи назардан қараладиган бўлса, Японияниг ўрта асрлар тарихида ниндзялар тўғрисида ҳеч нарса айтилмайди. Ваҳоланки, афсона ва халқ оғзаки ижодида айтилишича, айнан шу даврда ниндзялар ўта фаол ҳаракат қилишган. Бу жумбоқли кўринишни синчиклаб ўрганган шарқшунос олим А.Маслов кўплаб қизиқарли маълумотларга дуч келади. Масалан, унинг қайд этишича, соқчилар томонидан қаттиқ қўриқланадиган, душман у ёқда турсин, ҳатто чивин ўтолмайдиган ҳашаматли сарой хонасида таниқли самурай Фугасини ким томонидан ва қандай ўлдирилганлиги ҳали-ҳануз сирлигича қолмоқда. 1540 йилнинг оддий кунларидан бирида эрталаб хўжайиннинг хонасига кирган хизматкорлар унинг қора қонга беланган ҳолда ўлиб ётганини кўришади. Қотиллар шунчалик эҳтиёткор юришганки, Фугаси сезгир бўлишига қарамай уйғонишга улгурмаган. Уни қўриқлаётган соқчилар-да ўлдириб кетилган. Улар ҳатто қиличларини қиндан чиқаришга улгуришмаган. Ажабланарлиси шундаки, соқчиларнинг айримлари «душман» юзида акс этган даҳшатдан қўрқиб, юраги ёрилиб ўлган.

Ёки XVIII асрга тааллуқли бошқа бир воқеани кузатайлик. Самурай Сегуми кортежи ўрмон оралаб, пойтахтга йўл олган эди. Бурилишга келганда бирдан олдиндаги отлиқ соқчилар, сўнг эса Сегуми кўздан ғойиб бўлади. Воқеа атиги бир неча сония ичида юз беради. Кортеж охирида келаётган отлиқ соқчилар бурилишдан ўтиб, даҳшатли манзарага дуч келишади: олдинда келаётганларнинг барчаси бошсиз эди. Сегуми эса қорақарағай шохида осиғлиқ турарди. Аскарлар ўрмоннинг титпитини чиқариб, душманни қидиришади, бироқ барча уринишлар бесамар кетади. Уч кишидан иборат кўзга кўринмас қотиллар саноқли сонияларнинг ичида «ишни текислаб» кўздан ғойиб бўлишганди.

Ниндзялар илдизини Япония тарихидан қидириб топиш жуда қийин. Айрим тадқиқотчилар ниндзялар пайдо бўлишини Хитой жанговар санъати билан, яъни 1620 йили Хитойдан Эдо (ҳозирги Токио)га кўчиб келган Хитой жанговар санъати асосчиси, у-шу устаси Чэн Юан-юн (1587—1674) номи билан боғлашади. Чэн узоқ вақтгача жанговар ҳимояланиш қобилиятини намойиш этмай юраверган. Фақат бир воқеа сабаб, ўз усулини қўллашга мажбур бўлган: ўшанда унга босқинчилар тўдаси ҳужум қилади. Ақл бовар қилмас файласуф бир неча маъноли ва сирли ҳаракатлари билан кўз очиб-юмгунча босқинчиларнинг бир нечасини қуролсизлантириб, ерга чўзилтириб қўяди ва душман қуршовидан чиқиб олади. Кутилмаганда яна бир босқинчи оғриқдан иғраб қолади, шунда қолган босқинчилар тум-тарақай бўлиб жанг майдонини ташлаб қочишади. Ана шу воқеадан сўнг Чэннинг қўриқчилари бу жанговар санъат сирларини ўргатишни ўтиниб сўрашади. Тадқиқотчиларнинг тасдиқлашларича, худди шу мактаб ниндзялар пайдо бўлишига асос бўлган.

Бироқ япон олимлари ниндзялар илдизини ўз тарихига боғлашмоқда, яъни VI—VII асрлардаги Япония ҳаёти — нотинч аҳвол ниндзячилик санъатининг пайдо бўлишига олиб келган дейишмоқда. Масалан, айнан шу даврда ҳарбий-роҳиблар — ямабусилар пайдо бўлишган. Улар ўз-ўзини тарбиялаш, маънавий камолот сари интилиш билан бирга жанговар санъат сирларини ҳам яхши билишган. Улар ўз усулларини деҳқонларга ўргатишган.

Жанг пайтидаги бармоқларнинг маълум бир ҳолатларга кириши ва ниндзяларнинг жангда ўзига хос «чинқириғи» буддизмдан ўтган, аниқроғи, олинган дейишмоқда.

Тарихдан маълумки, XII асрда Японияда ўзаро ички қонли урушлар авж олган эди. Айнан шу пайтда аслзода ҳарбийлар — самурайларга ниндзялар — деҳқонлардан ташкил топган гуруҳларнинг қарши кўзголони юзага келади. Ниндзяларнинг бутун бошли жамоалари ўз қишлоқларини босқинчи самурайлардан ҳимоя этади. Ана шунинг учун ҳам Япония солномаларида улар тўғрисида ҳеч нарса ёзилмаган. Негаки, улар ўз ҳуқуқлари учун, самурайлар зулмига қарши курашган, қишлоқларини самурайлар босқинидан ҳимоя этишган. Ўша пайтда ниндзялар алоҳида кўринишда кўзга ташланмаган, бутун-бутун ниндзя отрядлари яширин фаолият кўрсатишган. Камдан-кам ниндзялар танага ёпишиб, юзни яшириб турадиган қора кийим кийишган, жосуслик ва буюртма қотиллик билан шуғулланишмаган. Тўғри, афсоналарда ниндзялар буюртма қотиллик билан ҳам шуғулланишгани айтилади. Улар мижозлари билан очиқдан-очиқ иш олиб боришмаган, дейилади ўша афсоналарда. «Буюртма» будда ибодатхонасида «қабул қилинган»: ситамлардан зада бўлган одам ибодатхонадаги будда ҳайкали олдига келади ва унга сажда қилиб, ўз душманининг ёки зулм ўтказган одамнинг отини айтиб, ундан ўч олишни илтижо қилади ва ҳайкал олдидаги идишга «буюртма» ҳақини — пул ёки тилла тангалар ташлайди. Шу пайтда ниндзя бу гапларни эшитиб туради, сўнг воқеликни яхшилаб ўрганади. Ҳақиқат аниқлангачгина, «буюртма» бажарилади.

Хорижий манбалар асосида Алимқул СУЛТОНОВ тайёрлади.

Шунақасиям бўлади

«БАДБЎЙ ҚАЛЛИҚЛАР»

Қадимдан бор ғаъана: ҳеч бир халқнинг тўй удумлари бир-бирига сира ўхшамайди. Бошқа халқларнинг баъзи шундай урф-одатлари, иримлари бизга бошқачароқ ҳам туюлиши мумкин.

Айтайлик, Енанда яшовчиларнинг ўзига хос тўй одати бор. Ғалати қонунияти шундаки, куёв тўй кунигача уч кун ювинмайди. Тўй оқшомидан сўнг яна бир кун ювуқсиз юради. Удуми шу.

Аслида бу удумнинг ҳам боиси бор, албатта.

ТУРКАНА ДАВО ИШ БЕРМАДИ

Мексиканинг Чигугуа шаҳрида яшовчилар кўпроқ халқ табобатига амал қилишади. Одамлар унчамунча касалликларни доривор гиёҳлар билан даволашади. Лекин 11 яшарлик болани қутурган кўршапалак «заҳарлаб» ўлдирди.

Аслида кўршапалак заҳарли ҳашорат эмас. Фақат ҳайвонларда учрайдиган қутуриш касалига учрагани учун ҳам болани қаноатлари билан қаттиқ жароҳатлади.

Тиббиётда бундай табиий офатнинг олди олинади. Дарҳол қутуришга қарши санчиқ қилинади. Афсус, боланинг ота-онаси беморни бир ойча уйда дарахт пўстлоғи, мева, заҳарни ўлдирувчи ҳар хил гиёҳлардан қўшиб тайёрланган дори-дармон-малҳам билан даволашди. Афсуски, бу туркана дорилар боланинг дардига малҳам бўлолмади...

Санда ЙЎЛДОШЕВА саралади.

ЁШЛИК ВА ШЕЪР ФАСЛИ

Бугун Жиззахдаги «Зомин» оромгоҳида ёш ижодкорларнинг республика семинар-кенгаши бошланади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси, Улуғбек номидаги истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳомийлигида ўтадиган бу кўчма семинар 1 июлдан 4 июлгача давом этади. Унга севимли шоирларимиз Абдулла Орипов ва Йўлдош Сулаймон бошқош бўлмоқдалар.

Анжуманга тақдим этилган 40 дан зиёд ёш носир ва шоирларнинг қўлёзмалари муҳокамасида таниқли адиб ва шоирлар: Нормурод Нарзуллаев, Ҳусниддин Шарипов, Раҳимжон Отаев, Турсуной Содиқова, Муҳаммад Юсуф, Мукаррама Муродова, Салим Ашур ва Абдуқаюм Йўлдошевлар маслаҳатчи сифатида иштирок этадилар. Шунингдек, эл-юртимиз таниқли шоирлари, жумладан Азим Суюн билан ҳам адабий учрашув бўлиб ўтади.

Биз семинар ишига муваффақият тилаб, унинг қизғин ижодий учрашувлар жўшқин мушоиралар ва ёруғ таассуротларга бой бўлиб ўтишига ишонамиз.

МУҲАББАТ

Шудрингдек норасидасиз,
Жонимнинг орасидасиз,
Субҳидамда ўпилмаган
Атиргул оразидасиз.

Лабингиз лаълида лайли,
Латофатлар шивирлайди.
Сизни кўрсам, танга тушган
Кўлдек дилим жимирлайди.

Ҳажрингиз ичмайин тўйдим,
Ўзимни бепичоқ сўйдим.

Аламдан ғаҳ қучиб ўтни,
Ўчоқни ўйлатиб қўйдим.

Само сайлида ғаш тортдим,
Ҳаёлат уфқига ботдим.
Қизғалдоқмас, теринг, қирга,
Дилимни парчалаб отдим.

Фасллар бир-бирин келди,
Баҳорлар бир ширин келди,
Севардим-ку, нечун сиздан
Кўзларим яширгим келди?!

Усмон БЕК,
Тошкент вилояти.

1

МУҲАББАТ БОР ЭКАН ДУНЁДА...

Сирли мактуб

Ўйлардимки, у фақат афсоналардагина бўлади. Бўлмаса, қисмат аталмиш шафқатсиз ҳукм фармоннинг амри билан айри кетган икки дил орадан йиллар ўтиб ҳам бир-бирининг ҳажрида тўлғонмасди. «Кечир, яна келдим қошингга» дея ўртанмасди.

Шаҳло билан Шуҳрат бир-бирларисиз яшолмайдигандек эди. Ҳавас билан, ҳайрат билан тикиларди кўзлар. Тўрт йил бир-бировини еру-кўкка ишонмай учиб юрган бахтли қалблар, ажабки, тирикчилик қонунлари асосида етиша олмадилар.

Шуҳрат... э, Шуҳрат. Кўнгил салтанатида султон бўлолмади. Бошқага уйланди. Чорасизлик баъзан имконият эшикларини беихтиёр очади. Шаҳло ҳам бу ёр-ёр садоларидан ўн бир кундан сўнг ўзга қалбга, ўзга ҳовлига бека бўлди.

Яна шитобли йиллар. Бахтни ҳам, бахтсизликни ҳам ададсиз енгиб ўтувчи адолатсиз... Кечагина бўлиши муқаррар деб қаралган қувонч, албатта бирга бўламиз дея ҳайқирган икки юрак бугун айро тушди умид гузаридан. Сароб бўлди қилинган орзулар.

Ҳаёт эса ўз ўзанида оқишда давом этди. Шаҳло ҳам, Шуҳрат ҳам ўғил-қизли, бахтиёр умр кечиришарди гўё. Ўртадаги ўн икки йил жуда кўп нарсанинг гувоҳи бўлди. Балки сўнгги ўкинчларнинг, азоб-изтиробларнинг ҳам. Шундай бўлмаса, Шуҳрат Шаҳлосининг олдига қайтиб: «Кечир, ёшлик қилибман. Умрим бўйи қилган энг улкан хатойим сен бўлдинг. Энди сенсиз яшаш нақадар азоб...» демасди.

Кечикиб айтилган изҳори дил. Кечикиш эса ўз ишини қилиб қўйган. Орқага қайтиб бўлмайди. Қайтиб бўлмайди-да, айтиб бўлмайди!

Сен билмаган,
Мен билмаган
Кунлар оқди
ўртамизда.
Қалбим жароҳати
битди дейсанми?
Ҳамон хавотир бор
ҳайдалган кўзда.
Қайтма энди,
Зинҳор. Юрак безовта.
Мен сенинг болангнинг онасимасман.
Сен менинг боламга
эмассан ота!

Дилором БЕКМУРОДОВА.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 1-iyul, seshanba № 76 (22.160).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Виктор ЗВЕРЕВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-07-20, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-07-20, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир И. ҲАМРО, навбатчи М. АҲМАД.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0433

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ҚАЛБИМ СЕНИКИ

Ойдин тунда милтиллаб бир чўғ
Гўё менга қараб турарди.
Само узра паға-паға буғ,
Тўлқин каби тўзиб борарди.

Ҳой сен, чўғим, тўхтагин бир дам,
Емиш бўлма рўёга дейман.
Бекинмачоқ ўйнасанг ҳар дам,
Қалбим очиқ, ғамингни ейман.

БАҲОР ТОНГГИ

Ҳамал пардасида уйғонди қуёш,
Оловранг сочларин таради ҳар ён.
Олтин шуъласидан уйғонди борлиқ
Пардек учди шудринг шўх отиб хандон.

Садафдек оқ маржон танғиб бошига
Қоялар уйғонди тонг юлдузидек,
Бағрида шаршара рақсга тушар,
Кўзни қамаштирар офтоб нуридек.

Пуштиранг қалпоғин қўндириб бошга
Дарахтлар уйғонди, нақадар дилдор.
Ер бағрини ёриб, нақш бериб тошга,
Бойчечак тўлғонди, соф ва беғубор!

Лайло СОАТОВА,
Сирдарё вилояти.

ЭҲТИРОМ

Тоғлар орти ёришганда заррин қуёш нури-ла,
Тонгги насим бирла кезар сеҳрли қўшиқ—алла.
Жўшиб айтса чўпон найи «Муножот»ни баралла
Аста кўзим очилиб дилдан келур бир калом:
Ўзбекистон, ассалом!

Қояларни кесмоқ учун отланар фарҳодларинг,
Безатмоқда чин ишқ-ла ҳур юртим сарҳадларин,
Сайри боғ айласалар ҳар тонг шод авлодларинг,
Ўзбекистон, ассалом!

Ўзбекистон — Ватаним, деб куйласак омон-омон,
Лол қолди халқ журъатига бугун жумлаи жаҳон.
Энг баланд пардаларда куйлаганим ушбу ном:
Ўзбекистон, ассалом!
Ўзбекистон, ассалом!!

Наргиза ЁҚУБЖОН қизи,
Фарғона.

СЕН ФАҚАТ ЎЗИНГГА ЎХШАЙСАН

Малаклар ҳақида сўз кетса агар,
Дарров хаёлимдан ўта бошлайсан.
Наздимда нозлангай тенгсиз бир дилбар,
Сен ўша дилбарга ўхшайсан.

Гарчанд — ким, ҳурлар кўп сарвқомад, барно,
Қошларин-ёй дейсан, киприкларин-ўқ.
Ҳайратинг ҳаддингга сиғмайди, аммо
Айнан сендек ҳурнинг ўзи йўқ.

Гўзаллик ҳақида сўз кетса, яна
Ўзинг кўз олдимдан ўта бошлайсан.
Фақат сен дунёда якка — ягона,
Сен фақат ўзингга ўхшайсан.

* * *

Тушлар кўраяпман баҳорга ўхшаш,
Бир ажиб сабзаи олам бер, дунё.
Ва бир шижоат бер анҳорга ўхшаш,
Мавжини тоғдан-да баланд бер, дунё.

Пайғомлар йўлланса етти оламдан,
Гуҳарлар тўкилса ҳар бир ноламдан,
Мен қандоқ кечурман шеъردан—боламдан,
Олмосдай оламгир қалам бер, дунё.

Ҳудҳуддан сўрадим—йўлини берди,
Хушовоз булбулжон тилини берди,
Энг сулув қиз менга дилини берди,
Боз бир айтарим бор, калом бер, дунё.

Атодин хатолиғ ўтиб борадир,
Ситамлар суякни ситиб борадир,
Ё ҳақ, — деб бир дарвеш кетиб борадир,
Сен унга салом бер, салом бер, дунё.

Бахтиёр ЖУМАН,
Қашқадарё вилояти.

2

СЕВМОҚ ГУНОҲ ЭМАС

Азизим, кел, кўзда ёшингни артай,
Сенга кирган тикон заҳрин мен тортай,
Ажалғ панжасидан сен учун қайтай,
Севмоқ гуноҳ эмас,
Бизлар — бегуноҳ.

Юракни музлатса ошкора таҳқир,
Тегирмон тошини юргизса тақдир,
Ҳар ким ўз йўлида ўзича ҳақдир,
Бироқ ишқ гуноҳмас,
Бизлар — бегуноҳ.

Биз тоғ деб суянган елкалар сароб,
Ишқ қуши қўнажак ўлкалар хароб,
Кўкка илтижо қил ал-омон сўраб,
Севмоқ гуноҳ эмас,
Бизлар — бегуноҳ.

Майли, эл тилида достон бўлайлик,
Дунё бир тараф, биз бир ён бўлайлик,
Ишқсизлар элида исён бўлайлик,
Севмоқ шараф эрур,
Бизлар — мушарраф.

ИЗОҲ

Кеча:
Кўнгил — телба ҳисларга Асир,
Иқбол — мени кўрмаган Басир,
Ишқим — бевақт ошкор бўлган Сир.

Бугун:
Кўнгил — сарҳад билмаган Сабр,
Иқбол — ишқни қучган чўнг қабр,
Ишқим — қадрин унутган Қадр.

Эрта:
Кўнгил — тоққа кўрк берган Қоя,
Иқбол — мудом қочгувчи Соя,
Ишқим — қўшиқ, билмас ниҳоя.

Гулчеҳра МУРОДОВА,
Наманган вилояти.

ЮРАГИНГГА КЎМИБ ҚЎЙ МЕНИ

Ҳижобингга ўраб қўй мени,
Кўзларимни юмиб қўй, юмиб.
То хатардан йироқ бўл десанг,
Юрагингга кўмиб қўй, кўмиб.

Кўзим очсам, Қоработирлар
Оёғингга тавба этсинлар,
Бу дунёнинг ёсуманлари
Мени кўриб нари кетсинлар.

Куф-суф қилай, улкан аждарнинг
Томирлари лаҳзада куйсин.
Танда ишқни кўтариб ўтай,
Кимки суйса, мен каби суйсин.

Йўл қоронғу, қалбингни ёндир,
Машъаламни ёқиб олайин.
Кўз тегади, кўзмунчоқлар бер,
Кўлларимга тақиб олайин.

Ҳижобингга ўраб қўй, ўраб,
Кўзларимни юмиб қўй менинг.
То хатардан йироқ бўл десанг
Юрагингга кўмиб қўй мени.

ХАЁЛ

Момо моҳнинг эртаги
Чорбоғларда изғирди.
Рашк дарахтин куртаги
Менга андоғ ёзғирди.

«Ишқ мен шўрни алдади,
Қолдим нурдан айрилиб.
Сени излармиш дайди,
Боқма унга қайрилиб!»

Кўксингдаги чечакни
Юлиб олиб кетади.
Қурилоғгул печакни
Йўлга солиб кетади.»

«Қизғон гулнинг исини»,
Вижирлади тун сокин.
«Қирққум тонгда изини,
Йўқотгайдир бисотин.»

Кўйсангчи, сен гуноҳкор,
Менга кўпам ёзғирма.
Икки йўлдасан абгор,
Мени йўлдан оздирма.

Муҳайё ҚИЛИЧЕВА,
Навоий вилояти.

3

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ, ТИЖОРАТ ДЎКОНЛАРИ, ФИРМА РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ёзнинг жазирама иссиқ кунларида мижозларингизни узлуксиз равишда музқаймоқ билан таъминлашни ҳоҳласангиз,

мурожаат қилинг. Улар сизга қаймоқли, шоколадли, сариёғли, мевали ва бошқа маҳсулотлардан тайёрланган турли музқаймоқларни

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Тўлов усули — пул ўтказиш йўли билан.
Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Мухтор Ашрафий кўчаси, 2-тор кўча, 4-уй.
Телефонлар: 93-34-34, 91-30-17, 93-35-55.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИГА ҚАРАШЛИ ЯНГИЙЎЛ ТЕХНОЛОГИК КОЛЛЕЖИ 1997—1998 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Янгийўл технологик коллежи икки поғонада мутахассислар тайёрлайди — 1 поғонада ўқийдиганлар коллеж дастури асосида ўқиб «ТЕХНИК-ТЕХНОЛОГ» ихтисослигини эгаллайди. II поғонада ўқишни давом эттирадиганлар учун ўқув муддати 1 йилу 1 ойга узайтирилиб, олий ўқув юрти дастури асосида билим оладилар. Бу поғонани битирувчилар «КИЧИК МУҲАНДИС» мутахассислигини эгаллаб, муҳандислик лавозимида ишлаш ҳуқуқига эга бўладилар.

ЯНГИЙЎЛ ТЕХНОЛОГИК КОЛЛЕЖИ ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА:
Бухгалтерия ҳисоби, назорат ва хўжалик фаолиятини таҳлили (9 йиллик маълумот билан) ўқиш ўзбек тилида олиб борилади. (Ўқиш муддати — 2 йилу 10 ой).
Молия (Давлат бюджети). (9 йиллик маълумот билан) ўқиш ўзбек тилида олиб борилади. (Ўқиш муддати — 3 йил).
Биохимия маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси (9 йиллик маълумот билан) ўқиш рус тилида олиб борилади.
Ёғ ва ёғ ўрнида ишлатиладиган маҳсулотлар технологияси (11 йиллик маълумот билан) ўқиш ўзбек тилида олиб борилади. (Ўқиш муддати — 2 йилу 6 ой).
Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари технологияси (11 йиллик маълумот билан) ўқиш ўзбек тилида олиб борилади. (Ўқиш муддати — 2 йилу 6 ой).
Вино технологияси (11 йиллик маълумот билан) ўқиш ўзбек тилида олиб борилади. (Ўқиш муддати — 2 йилу 6 ой).
Ҳуқуқшунослик (11 йиллик маълумот билан) ўқиш ўзбек тилида олиб борилади. (Ўқиш муддати — 2 йил).

СИРТҚИ БЎЛИМГА:
(11 йиллик маълумот билан).
Ёғ ва ёғ ўрнида ишлатиладиган маҳсулотлар технологияси.
Вино технологияси.
Ҳуқуқшунослик.

Кириш тўғрисидаги ариза коллеж директори номига танланган ихтисосини кўрсатган ҳолда ёзилади.

АРИЗАГА ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ҚЎШИБ ТОПШИРИЛАДИ:
1. Маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асл нусхаси).
2. №086 шакл бўйича соғлиги ҳақида маълумотнома.
3. 6 дона фотосурат (3х4 ҳажмида, бош кийимсиз).
4. Абитурент коллежга келганда тўғилганлик тўғрисида гувоҳнома, паспорти, ҳарбий билети ёки ҳисобда туриш гувоҳномасини шахсан кўрсатиши шарт.
5. Сиртқи бўлимга кирувчилар меҳнат дафтарчасидан кўчирма ёки ишлаётгани ҳақида маълумотнома топширишлари керак.

КОЛЛЕЖГА КИРУВЧИЛАРДАН ҚУЙИДАГИ МУДДАТЛАРДА АРИЗАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА:
11 синф ҳажмида — 25 июлгача
9 синф ҳажмида — 31 июлгача
КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ
9 синф ҳажмида ҳужжат топширганлар учун — 1 августдан.
Тест синовидан ўтиш — 11 августда.
КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ:
9 синф маълумоти билан: 1. Математика (оғзаки) 2. Ўзбек (рус) тилида диктант.
11 синф маълумоти билан кундузги ва сиртқи бўлимга кирувчилар учун: 1. Технологик мутахассисликлар бўйича: химия, ўзбек тили ва адабиётидан.
2. Ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича: тарих, ўзбек тили ва адабиётдан тест синовлари ўтказилади.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси 403-уй.
Телефон: 26-184; 26-219; 26-212.

Миробод туманидаги «Очилхўжа» хусусий фирмасининг тўрт бурчакли штампи ва думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 90-ўрта мактаб томонидан 1997 йилда Дилором Зоҳидовна ОДИЛОВА номига берилган O'R — A 032915 рақамли ўрта маълумот ҳақидаги аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент фармацевтика институти жамоаси институтнинг ноорганик ва физик-коллоид кимё кафедраси доценти Ҳаким Раҳмонович Тўхтаевга отаси Раҳмон ТЎХТАЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.